

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ кўмитаси
раиси

 Ш.Д. Кудбиев

2020 йил 01 июль

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилиши рухсат этилган
онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал кассаларнинг Давлат
реестрини юритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ
кўмитаси мажлисининг

Б А Ё Н И

(сўров йўли билан қабул қилинган)

№ 14

2020 йил 01 июль

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи:

Ш.Д. Кудбиев – Давлат солиқ кўмитаси
раиси - ваколатли орган раиси

Қатнашганлар:

Давлат солиқ кўмитаси раиси
ўринбосарлари, марказий аппарати
таркибий тузилмалари раҳбарлари (рўйхат
бўйича)

КУН ТАРТИБИ

Аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширишда
истеъмолчиларга назорат-касса машинасидан берилган харид чекидаги
ҳамда тўлов терминалларида берилган чеклардаги маълумотларни онлайн
режимда солиқ органлари маълумотлар базасига автоматик тарзда узатиб
бориш тизимини амалиётга жорий этиш тўғрисида

(Ш.Кудбиев, А.Файзибаев, А.Азизов, Р.Мусаджанов, Б.Хасанов, Ҳ.Насруллоев)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги
“Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимида
замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда жамоатчилик
назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5813-сон
Фармони талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон “Онлайн назорат-касса
машиналари ва виртуал касса тизимининг қўлланилишини таъминлаш
чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган.

Мазкур қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланиши рухсат этилган онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал кассаларнинг Давлат реестри Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ва “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан шакллантирилади.

“Soft Business Group” масъулияти чекланган жамияти 2020 йил 11 июндаги 24-сонли аризаси билан Давлат солиқ қўмитасига мурожаат қилиб, савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланаётган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қабул қилинган тўловлар тўғрисидаги маълумотларни онлайн тарзда Давлат солиқ қўмитасига юбориш имкониятига эга “Set Retail-10” русумли (версияси-10.2.82) виртуал касса дастурий маҳсулоти бўйича ҳужжатлар тақдим этилган.

Жамият томонидан “Set Retail-10” русумли (версияси-10.2.82) виртуал касса дастурий маҳсулотига тааллуқли тегишли ҳужжатлар илова қилинган ва ушбу дастурий маҳсулотни Ўзбекистон Республикасида қўлланилишига рухсат берилган онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал кассалар Давлат реестрига киритиш сўралган.

Мазкур мурожаат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон қарори 4-илоvasи талаблари асосида ўрганиб чиқилган ва мурожаатга 11-бандда кўрсатилган ҳужжатлар илова қилинганлиги, тўлиқлиги ва ишончлилиги аниқланган.

Шунингдек, қарорнинг 4-илоvasига мувофиқ тасдиқланган Низомнинг 12-бандига мувофиқ “Янги технологиялар” илмий-ахборот маркази” ДУК (оператор) томонидан мазкур виртуал касса дастурий маҳсулоти оператор билан тўғри интеграция қилингани тўғрисида 2020 йил 8 июнда 32-00857-сонли хулоса берилган.

Тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, “Soft Business Group” масъулияти чекланган жамиятининг мурожаатида сўралган масала бўйича таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон қарорига мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛИНАДИ:

1. “Soft Business Group” масъулияти чекланган жамияти мурожаати асосида “Set Retail-10” русумли (версияси-10.2.82) виртуал касса дастурий маҳсулоти “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланиши рухсат этилган онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал кассаларнинг Давлат реестри”га киритилсин.

2. “Soft Business Group” масъулияти чекланган жамияти томонидан “Set Retail-10” русумли (версияси-10.2.82) виртуал касса дастурий

маҳсулотининг намунасини (версиясини) амалиёт ва назорат қилиб боришда фойдаланиш учун ваколатли органнинг ишчи органига топширилганлиги инобатга олинсин.

3. Давлат солиқ қўмитасининг Сайёр солиқ текшируви бошқармаси:

Давлат реестрига киритилган “Set Retail-10” русумли (версияси-10.2.82) виртуал касса дастурий маҳсулоти намунасини амалиёт ва назорат қилиб боришда фойдаланиш учун бут ҳолда сақлаб турилишини;


“Set Retail-10” русумли (версияси-10.2.82) виртуал касса дастурий маҳсулотидан фойдаланиш қўлланмасини онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизимига техник хизмат кўрсатувчи корхоналарга етказилишини;

“Set Retail-10” русумли (версияси-10.2.82) виртуал касса дастурий маҳсулоти Давлат реестрига киритилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилиши рухсат этилган онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал кассаларнинг Давлат реестри”га тегишли ўзгартиришлар киритилишини;

“Set Retail-10” русумли (версияси-10.2.82) виртуал касса дастурий маҳсулотидан фойдаланиш қўлланмасини ва Солиқ назоратчиси қўлланмасини давлат солиқ хизмати органларига етказилишини;

оммавий ахборот воситаларида Давлат реестрига киритилган мазкур виртуал касса дастурий маҳсулоти тўғрисида ахборот эълон қилинишини таъминласин.







4. Мазкур баён Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳамда “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси билан келишилган.



Давлат солиқ қўмитасида онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал кассаларни Давлат реестрига киритиш ва ундан чиқариш бўйича Ишчи комиссиясининг аъзолари

РЎЙХАТИ

("Soft Business Group" МЧЖ, "Set Retail-10" русумли, (версияси-10.2.82) виртуал касса)

т.р.	Лавозими	Имзо	Фамилияси, исми, отасининг исми
1.	Раис ўринбосари - Ишчи комиссия раиси		А.Файзибаев
2.	Раис ўринбосари - Ишчи комиссия раиси ўринбосари		А.Азизов
3.	Солиқ соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи		Р.Мусаджанов
4.	Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги "Янги технологиялар" илмий-ахборот маркази давлат унитар корхонаси директори		Ҳ.Насруллоев
5.	Ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси бошлиғи		Б.Хасанов
6.	Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги "Солиқ сервис" давлат унитар корхонаси директори		Ш.Қаюмов
7.	"Ўзэлтехсаноат" уюшмаси бўлим бошлиғи	04-1/1223 25.06.2022	Ф.Шакиров
8.	Ўзбекистон Стандартлаштириш метрология ва сертификатлаштириш агентлиги масъул ходими	04/2029 29.06.2022	М.Хожиев
9.	Солиқ соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси давлат солиқ бош инспектори-Ишчи комиссия котиби		С.Нарбеков